



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 460-469 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

МАМЛАКАТ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ



Имамова Муҳаббат Волназаровна

Термиз давлат университети, Молия кафедраси катта ўқитувчиси,
иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мамлакат солиқ тизимини такомиллаштириш борасидаги халқаро тажриба давлатлар ўртасида солиқ рақобатини кучайтиришга ва иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатади. Ушбу мақолада Эстония, Латвия ва Швейцария каби мамлакатлар мисолида самарали солиқ тизимини яратиш бўйича эришилган ютуқлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Ўзбекистон каби ривожланаётган давлатлар учун халқаро тажрибадан фойдаланиш ва миллий солиқ тизимини модернизация қилишнинг аҳамияти ёритилган. Тадқиқотда солиқ қонунчилигини соддалаштириш, рақамли технологияларни жорий қилиш ва инвестицион муҳитни яхшилаш орқали мамлакатда иқтисодий ўсиш ва барқарорликка эришиш мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, мамлакатларнинг солиқ тизимлари ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва халқаро тажрибани Ўзбекистонга жорий этиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: шаффофлик, рақамлаштириш, солиқдан қочиш, солиқ тизими, халқаро тажриба, рақобатбардошлик, солиқ ислохотлари, иқтисодий ўсиш, инвестиция, солиқ қонунчилиги, рақамли технологиялар.

Кириш. Давлатнинг солиқ тизими иқтисодий сиёсатнинг асосий инструментларидан бири бўлиб, унинг самарадорлиги мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, инвестицияларни жалб қилиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Мамлакат солиқ тизимини ривожлантириш ва уни замонавий иқтисодий талабларга мослаштириш жараёнида халқаро тажрибадан ўрганиш катта аҳамиятга эга. Дунёнинг турли мамлакатларида амалга оширилган ислохотлар ва энг яхши амалиётлар солиқ тизимини модернизация қилишда таянч бўлиши мумкин. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини белгилаш солиқ тизимининг мослашувчанлигига, унинг тўғри ташкил этилиши ва келгусидаги ислохотларига катта даражада боғлиқ. Бу мамлакат ривож ва барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб, халқаро тажриба бунга далилдир.

Фискал сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг барқарорлаштирувчи воситаси бўлиб, унинг мақсади солиқ тушумларини кўпайтириш, давлатнинг молиявий ресурслари ва захираларини рағбатлантириш, давлат қарзининг барқарорлигини таъминлаш ва мамлакатнинг келгуси иқтисодий тараққиётини кафолатлашдир. Бу ўз навбатида давлатнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ривожланишини белгилайди.

Фискал сиёсат жамиятнинг кундалик ҳаётига жиддий таъсир кўрсатади. Солиқ тизимини такомиллаштириш ва мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш мақсадларига эришиш учун солиқларнинг асосий тамойилларига қатъий риоя қилиш, солиқ тизимини янада ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш, давлат томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган солиқ ва фискал сиёсатни ишлаб чиқиш муҳимдир, жумладан:

мамлакатнинг жаҳон бозорида солиқ рақобатбардошлигини таъминлаш;

солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш;

инвестиция фаолиятини кенгайтириш;

иқтисодиётни модернизация қилишни рағбатлантирувчи солиқ омилларини яратиш ва жараёнларни тартибга солиш;

инновацион фаолиятни солиқ йўли билан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

экологик иқтисодиётни ривожлантириш.

Халқаро тажрибага назар солсак, масалан, Эстония, Швейцария ва Латвия каби давлатлар ўзларининг оддий ва самарали солиқ тизимлари билан солиқ рақобатбардошлиги бўйича етакчи ўринларда туради. Бу давлатлар корпоратив даромад солиғи, истеъмол солиғи ва трансчегаравий операциялардан солиқ ундириш қоидаларидаги соддалаштириш ва шаффофлик орқали иқтисодий ўсишга эришди.

Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар учун халқаро тажрибадан ўрганиш ва уни миллий солиқ тизимига мослаштириш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес муҳитини яхшилаш имконияти мавжуд. Хусусан, солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий қилиш йўналишидаги ислохотлар рақамли иқтисодиёт шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, халқаро тажрибани ўрганиш ва миллий шароитларга мослаштириш мамлакат солиқ тизимини ривожлантиришда асосий қадамлардан биридир. Бу жараёнда давлат солиқ сиёсатининг мувозанатли бўлиши ва адолатли қайта тақсимлаш механизмларини шакллантириш долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Солиқ тизимлари ва уларнинг иқтисодиётга таъсири мавзусидаги қатор тадқиқотлар тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилган. Масалан, J.Pavel пост-совет ва Европа Иттифоқи мамлакатларида чет эл тўғридан-тўғри инвестициялар оқимида солиқ омилларининг таъсирини таҳлил қилган [6]. Улар хорижий инвестициялар оқимида солиқ ставкаси ва солиқ режимларининг таъсирини баҳолашни марказий нуқта сифатида қўйганлар. M.Stachová ва K.Ščerba томонидан ўтказилган тадқиқотда Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқ тўлашдан қочиш бўйича таҳлил ўтказилган. Улар солиқ тўлашдан қочишга олиб келувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини белгилашга эътибор қаратган [8]. О.А.Andrenko ва S.M.Mordovtsev халқаро солиқ рақобатбардошлиги индексида асосланган методологик ёндашув орқали Европа давлатлари солиқ тизимларининг рақобатбардошлигини баҳолашни тақлиф қилганлар [1]. Улар мамлакатлар солиқ тизимларининг рақобатбардошлиги ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганишган. S.Maier ва M.Ricci Европа

Иттифоқи мамлакатларида солиқлар ва ижтимоий дастурларнинг даромад ва бойлик тақсимотига таъсирини таҳлил қилишган. Улар солиқ сиёсати ва ижтимоий дастурлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиб, солиқлар ёрдамида ижтимоий тенгликни таъминлаш имкониятларини таҳлил қилганлар [3]. О.Оkunogbe ва G.Tourek кам даромадли мамлакатларда солиқ даромадларини ошириш йўллари технологиялар ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш орқали тадқиқ қилганлар. Улар солиқ маъмуриятчилигини модернизация қилишда рақамли технологияларнинг ролини ва уларнинг солиқ тўловларини оширишдаги аҳамиятини кўрсатиб берганлар [5]. И.Ниязметовнинг тадқиқотлари асосан Ўзбекистондаги солиқ тизими ривожланиши, шунингдек, солиқ қонунчилигини модернизация қилиш йўналишларига қаратилган. Унинг тадқиқотлари солиқ тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва солиқ ислохотларининг самарадорлигини ошириш мавзуларини қамраб олади [4]. У.Тўлаков ўз ишларида мамлакат солиқ тизимини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари чуқур таҳлил қилади. Унинг тадқиқотларида солиқ маъмуриятининг рақамли технологиялар асосида модернизация қилиниши, солиқ тўловларини адолатли ва самарали тақсимлаш, солиқ юкини қисқартиришга оид таклиф ва тавсиялар берилган [9, 10, 11].

Ушбу тадқиқотлар солиқ тизимларининг самарадорлигини ошириш, солиқ рақобатбардошлигини таъминлаш ва солиқдан қочишни камайтиришга қаратилган. Ҳозирги тадқиқотларда халқаро тажриба ва унинг мамлакатларнинг аниқ шароитларига мос келиши борасидаги масалалар ҳануз очиқ қолмоқда, бу эса кўшимча тадқиқотларни талаб этади.


Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда умумий илмий усуллар – диалектик, синтез ва қиёслаш усуллари қўлланилди, бу солиқ тизимларининг самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш ва турли мамлакатлар тажрибаларини бирлаштиришга ёрдам берди. Шунингдек, формал-мантикий таҳлил ва қиёсий таҳлил усуллари орқали эса Ўзбекистон солиқ тизими ва халқаро тажрибалар ўртасидаги фарқлар ҳамда умумий ривожланиш йўналишлари таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокамалар. Самарали солиқ тизими ҳар қандай мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши, ижтимоий адолати ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Глобаллашув, технологик тараққиёт ва иқтисодий интеграциянинг замонавий чақириқлари солиқ тизимларини доимий равишда яхшилашни талаб қилади. Мамлакатларнинг солиқ тизимларини баҳолайдиган энг машҳур халқаро рейтинглардан бири Солиқ рақобатбардошлиги халқаро индекси (ТСІ) бўлиб, у мамлакат солиқ тизими солиқ сиёсатидаги икки муҳим йўналишга – рақобатбардошлик ва нейтралликка қанчалик мос келишини баҳолайди.

ТСІ рейтинги Глобал солиқ сиёсати маркази ва Солиқ фонди ҳамкорлигида ишлаб чиқилган бўлиб, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларининг солиқ тизимларини баҳолаш ва таққослашга қаратилган. ТСІга кўра, солиқ тизимининг рақобатбардошлиги шуни англатадики, солиқ ставкалари паст даражадаги чегарада сақланади. Глобаллашган дунёда замонавий

тадбиркорлар ўз инвестицияларини қайси мамлакатга йўналтиришни танлаши мумкин. Бу тадбиркорлар ўз инвестициялари учун энг юқори даромадни олиш мақсадида пастроқ солиқ ставкаларига эга мамлакатларни излашини англатади. Агар мамлакатда солиқ ставкалари юқори бўлса, бу инвестицияларни бошқа мамлакатларга йўналтириб юбориши ва натижада мамлакат иқтисодий ўсишининг секинлашишига олиб келади. Бундан ташқари, юқори чегара солиқ ставкалари ички инвестицияларни камайтиради ва мамлакат ичида солиқдан қочиш ҳолатларига сабаб бўлиши мумкин.

ITCI 2023 йилги рейтингига кўра, Эстония ўзининг соддалаштирилган ва самарали солиқ тизими туфайли энг юқори баҳони олиб, биринчи ўринни эгаллади. Бу тизим паст корпоратив солиқ ставкаларини (фақат тақсимланган даромадларга нисбатан қўлланилади) ва оддий шахсий даромад солиғини ўз ичига олади. Латвия, Янги Зеландия ва Швейцария ҳам рақобатбардош солиқ ставкалари ва кенг солиқ базалари туфайли юқори баҳоларни олишди. Люксембург ва Туркия халқаро солиқ тизимларининг самарали эканлигини кўрсатди, бу эса инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради. Литва, Австралия, Венгрия ва Словакия каби бошқа юқори натижаларни кўрсатган мамлакатлар солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туришади, бу эса иқтисодий ўсиш ва инвестицияларни жалб қилишга ҳисса қўшади (1-расм).



1-расм. 2023 йилдаги ITCI рейтинги бўйича энг яхши солиқ тизимига эга бўлган ИХТТ мамлакатлари¹

2023 йилдаги Халқаро солиқ рақобатбардошлиги индекси (ITCI) натижаларга кўра, солиқ тизими самарадорлиги бўйича энг юқори ўринни Эстония эгаллади. Бу мамлакат солиқ тизимининг асосий афзаллиги шундаки, у фақат тақсимланган даромадларни солиққа тортадиган содда ва шаффоф корпоратив даромад солиғига эга. Шунингдек, Латвия, Янги Зеландия, ва Швейцария ҳам юқори ўринларни

¹ Муаллиф томонидан Солиқ рақобатбардошлиги халқаро индекси (ITCI) маълумотларига асосан тузилди

эгаллаб, ўзларининг кучли корпоратив солиқ тизимлари ва тўғри ташкил этилган истеъмол ҳамда мулк солиқлари билан ажралиб турди.

Туркия корпоратив солиқ ставкасини 23% дан 20% га тушириш билан 7-ўринга кўтарилди. Люксембург трансчегаравий солиқ қоидалари сабабли юқори поғонага чиқди. Швеция ўзининг корпоратив солиқ сиёсатидаги барқарорликни сақлаб қолиб, юқори рейтингни сақлаб қолди. Канада эса капитал инвестициялар учун тўловлар бўйича сиёсатлари орқали ўз мавқеини яхшилади.

Бу мамлакатлар кенг солиқ базалари, нисбатан паст ставкалар ва камроқ бузилишларга олиб келувчи сиёсатлари билан иқтисодий ўсиш ва инвестицияларни қўллаб-қувватлайди. Бироқ, Колумбия ва Италия каби мамлакатлар юқори корпоратив солиқ ставкалари ва мураккаб солиқ қоидалари сабабли пастроқ ўринларни эгаллади.

Бу мамлакатлардаги солиқ ислохотлари асосан солиқлардан қочишга қарши чоралар, солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ва инвестицияни рағбатлантиришга қаратилган. Улар иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун солиқ юкини оптимал даражада сақлаб қолишга урғу беришади.

Ўзбекистон солиқ тизими мамлакатдаги солиққа тортиш тартибини белгилайдиган Солиқ кодекси билан тартибга солинади. Солиқларни бошқариш ва йиғиш ишлари Давлат солиқ хизмати томонидан амалга оширилади, у солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, солиқ тушумларини йиғиш ва солиқ ҳисобини юритиш учун масъулдир. Ўзбекистон бир қатор давлатлар билан икки томонлама солиққа тортишдан қочиш бўйича келишувлар имзолаган бўлиб, бу солиқ тўловчиларга бир неча юрисдикцияда ишлаганда бир хил даромадга икки марта солиқ солинишининг олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон солиқ тизими кичик бизнес учун паст солиқ ставкалари ва махсус солиқ режимларини таклиф қилса-да, тизим бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Кўплаб корхоналар ва жисмоний шахслар солиқ тўлашдан қочади, бу эса давлат бюджетини жиддий йўқотишларга олиб келади. Яширин иқтисодиёт ва солиқдан қочиш юқори даражада қолмоқда, бу солиқ интизомини яхшилаш ва назоратни кучайтиришни талаб қилади. Солиқ қонунчилигидаги тез-тез ўзгаришлар ва қонунларнинг мураккаб ҳамда ноаниқлиги солиқ тўловчилар учун қўшимча қийинчиликлар яратади. Кичик ва ўрта бизнес солиқ талабларини тушуниш ва уларга риоя қилишда қийинчиликка дуч келади, бу эса хатолар ва жарималарга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистоннинг рақамли трансформация сиёсати «Ўзбекистон-2030 стратегияси» [12], «Давлат солиқ қўмитаси Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси» [13] ва «Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастури» [14] деб номланган бир қатор стратегик ҳужжатларда белгиланган бўлса-да, рақамлаштириш даражаси жуда паст даражада қолмоқда. Асосий муаммолар қаторида паст рақамли саводхонлик ва рақамли инсон капиталини ривожлантириш учун мўлжалланган инвестиция режасининг мавжуд эмаслиги қайд этилмоқда. Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасининг жадал ривожланаётганига қарамай, унинг кенгайишига

асосий тўсиқ малакали IT мутахассисларининг етишмаслиги ва иқтидорли дастурчиларнинг чет элга кетиши сабаб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон солиқ тизими муаммолари жумласига, солиқ жараёнларининг мураккаблиги, бюрократиянинг юқори даражаси, солиқ қонунчилигидаги шаффофликнинг етишмаслиги ва солиқ даромадларини йиғишдаги самарасизликлар киради. Ўзбекистон иқтисодиёти тор солиқ базаси билан характерланади, бу ҳукумат харажатларини молиялаштириш учун етарли солиқ тушумларини йиғишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида солиққа тортишнинг нотенглиги солиқ тушумларида дисбалансга олиб келади. Халқаро тажриба ва солиққа тортиш соҳасидаги энг яхши амалиётларга асосланиб, Ўзбекистон учун халқаро тажрибани қўллаш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди (1-жадвал). Ушбу тавсияларни амалга ошириш Ўзбекистонга ўз солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш, солиқ тизимини ва инвестициявий муҳитни яхшилаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда адолатли солиққа тортишни таъминлаш имконини беради.

1-жадвал.

Солиқ тизимларини муваффақиятли ривожлантириш бўйича халқаро тажрибага асосланган тавсиялар²

№	Тавсиялар	Тавсифи
1	Паст ва рақобатбардош солиқ ставкаларини жорий этиш	Инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида паст солиқ ставкаларини жорий этиш.
2	Солиқ тизимининг соддалиги ва барқарорлигини таъминлаш	Солиқ тўловчиларнинг ишончини ошириш ва солиқ шаффофлигини таъминлаш учун содда ва барқарор солиқ тизимини ўрнатиш.
3	Маъмурий жараёнларни соддалаштириш	Солиқ маъмуриятчилиги харажатларини камайтириш ва бизнес билан ўзаро алоқаларни яхшилаш учун рақамли технологиялар асосида самарали солиқ маъмуриятчилиги жорий этиш.
4	Ўзгаришларга мослашувчанлик	Иқтисодиётдаги ўзгаришларга мослашиш ва инновациялар ҳамда инвестицияларни рағбатлантириш учун солиқ тизимида рағбатлантирувчи чораларни жорий этиш.
5	Солиқ базасини кенгайтириш	Солиқ юкини камайтириш ва солиқдан қочишни камайтириш учун кенг солиқ базасига эга мамлакатлар тажрибасини ўрганиш.
6	Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш	Солиқ йиғимларини автоматлаштириш ва солиқ тизимининг шаффофлигини ошириш учун солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш.
7	Солиқ тўлашдан	Солиқ тўлашдан қочишнинг олдини олиш ва солиқ

² Муаллиф томонидан Муаллиф томонидан Солиқ рақобатбардошлиги халқаро индекси (ITCI) маълумотларига асосан тузилди

	қочишга қарши кураш	йиғимларини ошириш	учун халқаро ташаббусларни ўрганиш.
8	Солиқ шаффофлигини ошириш	Солиқ тўловчиларнинг ишончини ошириш	учун солиқ тизимининг шаффофлигини таъминлаш.
9	Солиқ камайтириш инвестицияларни рағбатлантириш	юкини ва инвестицияларни рағбатлантириш	Инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун рақобатбардош солиқ тизимига эга бўлиш.
10	Ижтимоий адолат ва прогрессив солиқ солиш	Ижтимоий тенгсизликни камайтириш	ва адолатни таъминлаш учун айрим солиқ турларида прогрессив солиқ солиш тажрибасини жорий этиш.

Солиқ тизими давлат иқтисодиётининг асосий воситаси бўлиб, нафақат солиқ тушумларини белгилайди, балки ижтимоий адолатни ўрнатиш, инвестицияларни рағбатлантириш ва иқтисодиётнинг умумий ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Жаҳон иқтисодиётидаги глобал чақириқлар фонида бу мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти тобора равшан бўлиб бормоқда. Жаҳон солиқ тизимларининг ривожланиш йўналишлари инвестицияларни жалб қилиш, бойликни қайта тақсимлаш, солиқ юкининг адолатли тақсимоти, иқтисодий ўсиш ва инновацияларни рағбатлантириш, солиқ тўлашдан қочишга ва солиқ ресурсларининг самарасиз фойдаланилишига қарши курашиш каби кенг қамровли жиҳатларни ўз ичига олади [7].

Глобаллашув ва иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида солиқ сиёсати янги чақириқларга муваффақиятли жавоб бериши ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун мослашувчан ва ўзгарувчан бўлиши керак. Самарали солиқ тизимлари нафақат иқтисодий ўсишга, балки ижтимоий фаровонликка ҳам ёрдам беради, ресурсларни адолатли тақсимлашни ва тенгсизликни камайтиришни таъминлайди [4].

Солиқ сиёсатининг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш учун у халқаро тажрибалар ва инновацион ёндашувлар асосида доимий равишда такомиллаштирилиши керак. Бу солиққа тортиш соҳасидаги глобал тенденцияларни мунтазам мониторинг қилиш ва таҳлил қилишни ҳамда илғор тажрибаларни тезкор жорий этишни талаб қилади. Янги технологиялар ва рақамли воситалардан фойдаланиш солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Охирида, муваффақиятли солиқ сиёсати барқарор ва олдиндан кўриш мумкин бўлган иқтисодий муҳит яратишга ёрдам бериши керак, бу инвестициялар ва инновацияларни жалб қилишни рағбатлантириши ва узоқ муддатли иқтисодий фаровонликни таъминлаши лозим [2].

ИХТТ мамлакатлари солиқ тизимларининг ITCI халқаро рейтинги бўйича баҳоланиши кўп босқичли жараён бўлиб, солиқ сиёсатининг турли жиҳатлари ҳақида маълумот тўплаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади. Асосий натижалардан бири солиқ тизимларининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш ва уларнинг

рақобатбардош афзалликларини ҳамда турли мамлакатлардаги солиқ тизимларининг самарадорлигини аниқлаш бўлди. ITСI рейтинг маълумотлари таҳлили ва турли солиқ тизимлари кўрсаткичларини таққослаш ушбу тизимларнинг жозибадорлиги ва самарадорлиги даражаси ҳақида объектив тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, жаҳон солиқ тизимларининг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар мослашувчанлик, солиқ ставкалари ва шароитларини мунтазам қайта кўриб чиқиш имкониятидан иборат эканлиги аниқланди. Ушбу хулосалар солиқ тизимларининг самарадорлигини таъминлаш учун мослашувчанлик муҳим эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотнинг афзалликлари унинг ҳар томонлама характерида ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш учун амалий аҳамиятида ётади. Тадқиқот натижасида жаҳондаги солиқ тизимларининг муваффақиятли тажрибасига асосланган оптимал стратегияларни аниқлаб, солиқ тизимини яхшилаш бўйича тавсиялар тақдим этилди. Ушбу тавсиялар Ўзбекистонда солиқ сиёсати соҳасидаги қарорларни қабул қилишда муҳим восита бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Дунё мамлакатларининг солиқ тизимларини ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Самарали солиқ тизими барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва давлат молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшади. Глобаллашув ва тез ўзгараётган иқтисодий муҳит шароитида мамлакатлар ўз солиқ тизимларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш учун халқаро тажрибани ўрганиш ва қабул қилишга фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва ягона қудратли иқтисодий тизимни яратиш мамлакат олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон бу йўналишда аллақачон бир қатор ижобий қадамларни қўйган, лекин барқарор ва узлуксиз ривожланишни таъминлаш ва янада самарали ҳаракатларни амалга ошириш зарур. Бу ўз навбатида иқтисодиёт ривожини билан биргаликда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ва фаровонлигини ҳам назарда тутаяди, бу эса фақат иқтисодий хусусиятларни эмас, балки жамият хавфсизлигини ҳам қамраб олади, чунки хавфсизлик демократия қадриятларининг кафолати ҳисобланади.

Самарали солиқ тизими мамлакатнинг барқарор фискал сиёсатни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Шу нуқтаи назардан, солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

солиқ тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ стратегияси ва тактикасининг бирлиги;

солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш;

инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида солиқ қонунчилигини янада либераллаштириш ва соддалаштириш;

энг яхши ташаббуслар ва инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

экспорт тармоқларини рағбатлантириш ва экспортни ошириш.

Ушбу муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш ва солиқ ставкаларини оптимал даражага тушириш орқали иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришга эришиш мумкин ва бу мамлакатнинг келгусидаги самарали солиқ сиёсатини амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий сиёсатини амалга ошириш учун тўғри солиқ ислохотларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизимини такомиллаштириш мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг асосий чақириқларидан бири бўлиб, у бозор муносабатларида муҳим рол ўйнайди ва давлатнинг иқтисодий ҳамда молиявий сиёсатининг асосий инструментларидан биридир. Самарали солиқ тизими иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, соғлом бизнес муҳитини яратиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини белгилашда солиқ тизимининг мослашувчанлиги ва унинг самарадорлиги тадбиркорлик фаолиятининг ривожига ва барқарорлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси идеал солиқ тизими мавжуд эмаслигини ва давлат доимий равишда уни яхшилашга интилиши кераклигини кўрсатади.

Ўзбекистон солиқ тизими учун халқаро тажрибани жорий этишда энг аввало шаффофлик, солиқ қонунчилигидаги соддалик ва мослашувчанликни ошириш муҳимдир. Солиқ тизимини модернизация қилиш орқали, мамлакат иқтисодиётига қўшимча инвестициялар жалб қилиниши мумкин, бу эса иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Andrenko, O.A., & Mordovtsev, S.M. (2024). A methodical approach to rating assessment of competitiveness of tax systems of European countries. *Business Inform*, 1(552), 117-123.
2. de Vasconcelos Fernandes, F. (2024). The European “Fit for 55” package and the Portuguese tax benefits system: Prospective analysis and reform proposals. In *Sustainable finances and the law: Between public and private solutions* (pp. 317-331).
3. Maier, S., & Ricci, M. (2024). The redistributive impact of consumption taxation in the EU: Lessons from the post- financial crisis decade. *Economic Analysis and Policy*, 81, 738-755.
4. Ниязметов И.М. (2018). Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.
5. Okunogbe, O., & Tourek, G. (2024). How can lower-income countries collect more taxes? The role of technology, tax agents, and politics. *Journal of Economic Perspectives*, 38(1), 81-106.
6. Pavel, J., Tepperová, J., & Arltová, M. (2020). Tax factors affecting FDI allocation in the EU post-socialist states. *Post- Communist Economies*, 33(6), 710-725.
7. Ramfol, R. (2019). The fine line between tax compliance and tax resistance: The case of South Africa. In *Proceedings of the accounting and business in the era of the 4th industrial revolution conference* (pp. 352-366).
8. Stachová, M., & Ščerba, K. (2024). EU countries tax evasion clustering. *Statistics*, 104(1), 5-15.

9. Тўлаков, У.Т. (2024). Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш йўналишлари. *Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting*, 4(09), 283-296.

10. Тўлаков, У.Т. (2024). Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг хориж тажрибаси. *Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari*, 4(03), 3-12

11. То‘лаков, У.Т. (2024). Soliq yuki soliq tizimining qanchalik samarali ekanligini aniqlovchi muhim mezon. *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot*, 2(9), 143-151.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Давлат солиқ қўмитаси Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси»ги ПҚ-447-сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарорига илова.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

